



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 18 апрель, № 79 (8974)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒИЛКИ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ...»



Тоъле йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Ҳар гал Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг ушбу мисраларини ўқиганимда юрагимни оғир тош босгандек бўлаверади. Сатрлар қаърига сингиган ғамгин руҳ нафақат унинг ижодиға, балки умр мазмунига ҳам сингиб кетгандек гўё.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Андижон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган тадбирдаги нутқида Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри деб ном бериш тўғрисидаги таклифи юрагим туб-тубига чўкиб кетган ана шу ғам-ғуссаларни бир сонига эритиб юборди. Севинчдан вужудим титради.

Бинобарин, Президентимиз қайд этганидек, **Заҳириддин Мухаммад Бобур дунёнинг қайси ерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинчи билан яшади. Бугун буюк аждоҳимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртига руҳан қайтиб келди.**

Мазкур воқеалик бугун халқимизни, айниқса, андижонликларни тўлқинлантириб юборгани рост. Нега деганда, Андижон аҳли халқни тарихий хотирасидан, миллий

илдизларидан айиришга қаратилган сиёсат ҳукм сурган ўша оғир, мустабид тузум даврларида ҳам ўзининг бу улуг фарзанди ёдини қалбида эъзозлаб-ардоқлаб яшадди. Турли таъйиқларга қарамай бебаҳо меросини ўқиб-ўрганди, асраб-авайлади. Шукрки, бугун тарихий адолат тикланди. Бу кунларни кўриш, унинг завқи билан яшаш қанчалар қувончли эканини сўз билан ифода этиб бўлмайди!

Хаёлот уммонига фарқ бўлганча ортда қолган умримга разм со-



Ташрифдан кейинги ўйлар

ламан. Не кунларни кўрмадик экан?! Замон зайли билан жамиятнинг турли бўғинларида фаол иштирок этдим. Таъбир жоиз бўлса, баъзан тўфонли, гоҳида кўшли онларга дуч келдим. Ташвишларни ҳалол меҳнат, эзгу амал билан аритиб, қувончлар бардавонлиги сари интилдим. Ўтган умрим давомидидаги барча эришилган ютуқлар, муваффақиятларни тарозининг палласига қўйсам, шу кунгача бўлган дамлар бир ёну бугунги тотли, фарахбахш кунлар бир томон бўлади! Ахир ким ўйлабди дейсиз, ёруғ тонглар нафақат янги кунни, балки янги даврни ҳам бошлаб берувчи имкониятлар эшикларини очади, деб!..

Янги замон руҳи

Тўғри, кечаги кун, содир бўлган воқеаликлар, гоҳ яхши, гоҳ синовли дамлар ортда қолди, та-

рихга айланди. Уларнинг барчаси андижонликлар иродасини чиниктирди, тажрибасини оширди. Замоннинг зайлида тобланган халқ эса давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ўз қўли, ақл-идроки билан даврни ўзгартирмоқда. Энди ҳаммаси ўзгача! Бугунги Андижон кечаги Андижон эмас. Атрофга нигоҳ ташлайман: шаҳар ўзгарган, ҳудудлар чирой очган, ҳатто дарахтлару гулзорлар бошқача. Бугунидан миннатдор, эртанги кундан умидвор халқи ҳам бошқа. Янги давр, янги замоннинг руҳи нафақат тевақатрофни, балки инсонлар руҳини ҳам ўзгартириб юборди!

Мен бир умр давлат хизматида бўлдим. Амалга оширилаётган ислохотларнинг олдинги сафида одимлашга ҳаракат қилдим. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон фахрийларининг ижти-

мой фаолиятини қўлаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг вилоят бўлинмаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси этиб тайинланганларида зиммамга аввалгидан ҳам кўпроқ масъулият ҳиссини олдим. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан-да кўпроқ хизмат қилишни дилимга тугдим. Шу боис ҳудуддаги ҳар бир жараёндан четда қолмай ўз ҳиссам билан қатнашишга интиламан. Фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш объектидан тортиб хонадонлардаги томоқлардан фойдаланишгача бўлган босқичларнинг негизига халқимизнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатини ҳимоя қилиш гоёси мужассамлигига гувоҳ бўламан. Бунда Президентимизнинг вилоятга ташрифлари муҳим аҳамият касб этаётгани эътиборлидир.



ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН ДИПЛОМАТИЯ

11 — 13 апрель кунлари Туркия Республикасининг Анталия шаҳрида халқаро дипломатик майдонларда юксак эътироф этилган “Анталия дипломатия форуми — 2025” бўлиб ўтди. Аънавага кўра мазкур форум Туркия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Форум

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев иштирок этди.

Форумнинг бу йилги мавзуси “Бўлиниб кетган дунёда дипломатияни қайта тиклаш” бўлиб, у бугунги нотинч ва зиддиятларга бой глобал муҳитда дипломатиянинг ҳал қилувчи ролини яна бир бор муҳокама марказига олиб чиқди.

С. Сафоев форум доирасида ўтказилган асосий сессияларда нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг очик ва конструктив ташқи сиёсатини, минтақавий дипломатияни мустаҳкамлаш борасидаги ёндашувларини атрафлича ёритди.



Коррупцион омилларнинг олдини олиш: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилди.

«Ҳукумат соати»

Кун тартибидидаги ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А. Худоевров жавоб берди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳага янги бошқарув усуллари жорий этиш, аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Айниқса, тиббиёт ходимлари ва фармацевтика компаниялари ўртасидаги зимдан келишувларнинг олдини олиш, “Электрон рецепт” тизимини жорий

этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, ягона тиббиёт ахборот тизими (DMED)да “Электрон рецепт” модули ишлаб чиқилди. Бу модуль дори воситаларининг дозалари ва шакллари ҳисобга олиб, рецептларни электрон шаклда бериш, уларнинг маркировкасини назорат қилган ҳолда сотиш, ҳисобот юритиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда беморлар учун мобил илова орқали рецептлар ҳаракатини кузатиб туриш имконини беради.

Шунингдек, ушбу тизимнинг ишлаши учун дори воситаларининг халқаро патентланмаган номлари, шакллари, дозалари ва ўлчов бирликлари ўз ичига олган маълумотлар базаси

ҳам шакллантирилган. Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш доирасида “Электрон рецепт” модулида “реимбурсация дастури” йўлга қўйилган. Яъни беморнинг дорионага бориб ахборот тизимига киритилган электрон рецепт билан шифокор ёзиб берган дориини олиш имкони яратилди.

“Ҳукумат соати”да депутатларга соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тартиб-таомилларини қискартириш, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш борасида кўрилаётган чоратadbирлар юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

А. Худоевровнинг қайд этишича, вазирлик билан биргаликда Ягона интегратор — “UZINFOCOM” томонидан соғлиқни сақлаш тизимидидаги жараёнларни автоматлаштириш ва ундаги ахборот тизимларининг ягона комплексини жорий этиш мақсадида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, аҳоли ва шифокорлар учун мобил иловалар

яратилган. “DMED” ахборот тизими 2 571 та бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасасидан 2 475 тасига ўрнатилган. Ҳозирги кунда зарур жиҳозларни харид қилиш ва ўрнатиш, тиббиёт ходимларини тизимда ишлашга ўқитиш ва маълумотларни ахборот тизимига киритиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик тизимда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакаси баҳолаш марказини ташкил этиш орқали мутлақо янги, шаффоф ва объектив малака баҳолаш тизими ҳам яратилган. Унда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаларини бериш функциялари амалга оширилмоқда.

Депутатлар соҳада бажарилаётган ишларни эътироф этиб, ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, хусусан, давлат харидларини амалга оширишда самарадорлик ва шаффофликни таъминлаш борасида қандай ишлар олиб борилаётгани билан қизиқдилар.



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУЛОҚОТЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг йиғилишида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига етиб борди.

Делегациялар раҳбарлари 17-18 апрель кунлари МДХ Парламентлараро Ассамблеяси баҳорги сессияси тадбирларида иштирок этади.

Учрашув

Учрашув кун тартибига кўра қатнашчилар Парламентлараро Иттифоқнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган 150-йўбилей ассамблеясида кўрилган масалаларни ҳамда МДХ Парламентлараро Ассамблеяси халқаро кузатувчилари томонидан сайловларда ўтказилган мониторинг натижаларини муҳокама қилади.

Шунингдек, МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг 2024 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинади ва ўтказилиши режалаштирилаётган халқаро саммитларга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси ҳам бўлиб ўтади.

17 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши мажлисида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрида амалий ташриф билан бўлиб турган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бир қатор МДХ мамлакатлари парламентлари делегация раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Дастлабки учрашув Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Сахиба Гафарова билан бўлиб ўтди.

Томонлар Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг жадал ривожланиши икки давлат раҳбарларининг азалий дўстлиги ва ўзаро ишончига асосланганини таъкидлашди. Бу сўнгги йилларда мунтазам ташрифлар, учрашувлар ва қўшма тадбирлар туфайли сезиларли даражада мустаҳкамланган парламентлараро алоқаларнинг фаол ривожланишига хизмат қилмоқда.

Учрашувда 2025 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йўбилей ассамблеяси якунларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусининг халқаро миқёсда кенг қўлаб-қувватлангани натижаси экани эътироф этилди.

Озарбайжон томони Кўшилмаслик ҳаракати Парламент тармоғининг Тошкентда бўлиб ўтган IV конференциясида “Бандунг Рўҳининг 70 йиллиги нишонлаши: Бандунг тамойилларини қўлаб-қувватлашда парламентларнинг роли” мавзусига бағишланган конференция ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди.

Биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон парламент аёл аъзолари форумига тайёргарлик ишлари ҳам диққат марказида бўлди. Ўзбекистон томонидан форум концепцияси ҳамда гендер тенглик, таълим, аёллар тадбиркорлиги, туризм ва ёшлар парламентлари ҳамкорлигини қамраб олган панель сессиялар мавзулари таклиф этилди.



Маҳаллий Кенгашларда

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси мавзуси соғлом турмуш тарзини омалаштириш масалалари муҳокамасига бағишланди. Мазкур сессия Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг 2025 йил 20 февралдаги қўшма хати асосида ташкил этилди.

Сессияда ҳудудга бириктирилган парламент аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, соҳа мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз 2024 йил ноябрь ойида парламент палаталарида сўзлаган нутқида жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ма-

саласига алоҳида эътибор қаратган эди. Шу асосда Сенат ва Қонунчилик палатаси томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини омалаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари учун тавсиялар ишлаб чиқилиб, маҳаллий Кенгашларга юборилди.



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУЛОҚОТЛАР

Учрашув якунида томонлар парламентлараро мулоқотларни янада мустаҳкамлаш, икки томонлама ҳамкорлик кун тартибини кенгайтириш ва халқаро парламент тузилмалари доирасида мувофиқлаштиришга тайёр эканлигини тасдиқлади.

Худди шундай самимий мулоқотлардан яна бири Тожикистон Республикаси Мажлиси милли Мажлиси Оли Раиси Рустами Эмомали билан бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Рустами Эмомалини Тожикистон Республикаси парламент раҳбари лавозимига сайлангани билан табриклаб, келгусида икки давлат қонун чикарувчи органлари ўртасида юқори даражадаги ҳамкорлик ва яқин алоқалар янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Сужбат давомида икки томон-

лама ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилиниб, Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклиги икки давлат раҳбарларининг ҳамфикрлиги ва ўзаро ишончи асосида ривожланаётгани таъкидланди.

Парламентларнинг янги таркиби шакллангани муносабати билан парламентлараро ҳамкорлиқни фаоллаштириш режалари муҳокама қилинди. Томонлар олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламент назорати масалаларини кун тартибига киритган ҳолда “Ўзбекистон — Тожикистон” дўстлик гуруҳи йиғилишини ўтказишга тайёрглигини билдирди.

Учрашув якунида томонлар икки дўст давлат ўртасидаги парламентлараро мулоқотни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама шериклиқни чуқурлаштириш ниятида эканлигини тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

МДХ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Санкт-Петербургда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг баҳорги сессияси тадбирларида иштирок этмоқда ва Парламентлараро Ассамблея Кенгашининг мажлисида қатнашди.

Анжуман

Кенгаш мажлисининг кун тартибидagi масалалар муҳокамасига ўтишдан аввал Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши раиси, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерал Кенгаши Раиси В. Матвиенко Парламентлараро Иттифоқнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган 150-йилбей ассамблеяси ва унинг натижаларига тўхталиб, мазкур анжуман юқори савияда ташкил этилгани, меҳмон қабул қилиш ва тadbир ўтказишда кўрсатилган юксак маҳорат ҳамда масъулиятни алоҳида эътироф этди. Танзила Камаловна ва унинг жамоасини ушбу нуфузли тadbирни юксак даражада уюштиргани билан табриклади.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева мазкур ассамблеяда МДХ давлатлари парламент делегацияларининг фаол иштироки, уларнинг қабул қилинган ҳужжатларга қўшган ҳиссаси ҳамда илгари сурган так-

лифлари муҳим аҳамиятга эга эканини айтиб ўтди. Шунингдек, келгусида ҳам бундай йирик халқаро анжуманларни ўтказишда ҳамкорлик қилишга доимо тайёр эканини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг кун тартибидagi масалалар кўриб чиқилди. Иштирокчилар МДХ ПА халқаро кузатувчиларининг Беларусь Республикаси Президенти сайлови ва Тожикистон парламент сайлови мониторингинг натижаларига эътибор қаратди.

Хусусан, МДХ ПА миссияси координатори, Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси А. Эшмуратов 2025 йил 2 март куни Тожикистон парламентига бўлиб ўтган сайловни кузатиш натижалари тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Шунингдек, Кенгаш мажлисида МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг 2024 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, келгусида ўтказилиши режалаштирилган халқаро саммитларга тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

«Халқ сўзи».



КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМЛАР

Вазирнинг таъкидлашича, давлат харидларини амалга оширишда “Е-Харид” онлайн тизими фаолият юритмоқда. Ушбу тизим давлат харидларини электрон, очик ва шаффоф тарзда амалга оширишни таъминлайди. Барча тендер ва харидлар интернет орқали амалга оширилиб, бу жараёнда қатнашувчиларга тендер натижалари, шартлар ва уларнинг ҳужжатлари батафсил кўрсатилади. Шу билан бирга, вазирликда 2024 йилда “Ситуация марказ” (масофавий назорат) ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги харажатларни мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилган.

“Ҳукумат соати”да халқ вакиллари давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва бериладиган дори воситалари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни шаффоф тарзда етказиш ҳамда бу борадаги коррупцион омилларни бартараф этиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилатганини сўради.

Вазирнинг маълум қилишича, бугунги кунда ушбу маълумотлар вазирлиқнинг расмий манбалари, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда бериб келиняпти. Бу тўғридаги тегишли буйруқ ва

“Ҳукумат соати”да депутатлар томонидан соҳада рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда шаффоф танлов тизимини кенг жорий



норматив ҳужжатлар ҳудудий соғлиқни сақлаш органларининг сайтлари, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган. Кафолатланган ҳажмга кирган тиббий хизматлар рўйхати эса тиббиёт муассасаларида аҳоли учун кўринарли бўлган жойларга илиб қўйилган.

этиш ҳамда тизим истиқболига қаратилган бошқа бир қатор тақлифлар берилди. Шунингдек, кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлаш, вазирлик билан яқиндан ишлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН ДИПЛОМАТИЯ

Жумладан, у бугунги глобал зиддиятлар фонида халқаро институтларнинг ишончлилигини қайта тиклаш, дипломатия орқали барқарор тараққиётни таъминлаш ҳамда минтақавий ва глобал даражадаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Тadbир доирасида С. Сафоев қатор мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда етакчи экспертлар билан икки томонлама учрашулар ўтказди. Уларда ижтимоий-сиёсий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция, ёшлар дипломатияси, экологик барқарорлик ва ахборот маконида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга доир масалаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон делегациясининг форумдаги фаол иштироки давлатимизнинг минтақавий ва глобал микёсдаги очик, барқарор ва узоқ муддатли дипломатия сиёсатининг намоёни бўлди.

«Халқ сўзи».

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

Сессияда сўзга чиққан сенатор Гулнора Маъруфова соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни оширишнинг аҳамияти, шунингдек, юртимизда ушбу соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотлар ва чора-тадбирлар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил тўхталди.

Айниқса, охириги йилларда соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларига ажратиладиган давлат маблағлари сезиларли даражада ошгани, юртимизда спорт объектлари сони кўпайгани, тиббий хизматлар қамрови кенгайгани ва аҳолининг ўртача умр кўриш да-

вомийлиги ортиб бораётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, ахборот технологияларининг тез ривожланиши сабаб аҳоли ўртасида жисмоний фаоллиқнинг пасайиши, носоғлом овқатланиш ва зарарли одатлар тарқалиши оқибатида айрим муаммолар ҳам сақланиб қолётгани алоҳида таъкидланди.

Сессия иштирокчилари соғлом турмуш тарзини кенг жорий этишда депутатлар, мутахассислар ҳамда жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим эканини таъкидлаб, бу ишни умуммиллий ҳаракатга айлантириш зарурлигини айтишди.

«Халқ сўзи».

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ СТРАТЕГИЯ

ЁКИ АНДИЖОНДА ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР 300 МИНГДАН ЗИЁД ИШ ЎРИНЛАРИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛИШИ ХУСУСИДА

Давлатимиз раҳбари 15-16 апрель кунлари Андижонга ташрифи давомида вилоятда 2025 йилда эришилиши режалаштирилган асосий мақсадларга оид тақдимот билан танишди. Унда йил якунига қадар 305 минг нафар аҳолини даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилингани айтилди.

Мулоҳаза

Бу шунчаки рақамлар эмас. Унинг ортида минглаб инсонлар ҳаёти, oilалар фаровонлиги, ёшлар келажаги ва бутун вилоятнинг иқтисодий барқарорлиги турибди. Содда айтганда, уч юз мингдан зиёд инсонларнинг ишга жойлаштириш ортидан яна камиди 600 минг кишининг турмуш тарзи ўзгаради, бу — ўртача 1 миллион одамнинг турмуши яхшиланиши демак.

Хўш, ушбу мақсадга қандай эришилади? Яъни рақам ортидаги стратегия қайси соҳаларни қамраб олган?

бири саналади. Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали катта бандлик саноати яратилади. Масалан, тўқимачилик, автосаноат, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноати каби тармоқларда минглаб янги иш ўринлари шаклланади.

Шунингдек, Андижон — пахтачилик, богдорчилик ва сабзавот етиштириш соҳаларида ҳам катта тажрибага эга ҳудудлардан бири. Енгил саноат билан боглиқ кластерлар (масалан, пахтадан матогача бўлган занжир) бевосита қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, деҳқон ҳўжаликларини ривожлантириш орқали ўзини ўзи банд этиш имкониятлари кенгайди.

Иш ўринлари яратиш ҳақида гап кетганда, хизмат кўрсатиш

соҳасини ҳам унутмаслик керак. Зеро, бугунги кунда савдо, умумий овқатланиш, логистика, туризм ва бошқа хизмат тармоқларида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ишсизликни камайтириш яхши самара бериб келмоқда. Бу ўринда, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бандликка оид режаларнинг муҳим қисми бу, шубҳасиз, инсон капиталидир. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир иш ўрнига муносиб мутахассис тайёрлаш, ёшларни бозор талабларига мос касбларга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маалака ошириш дастурларини йўлга қўйиш лозим. Бу нафақат ишсизликни камайтиради, балки маҳсулдорликни ҳам кўпайтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 305 минг иш ўрни яратиш бу фақат вилоятнинг

бугунги муаммоларини ҳал этибгина қолмайди, балки узоқ муддатли барқарор ривожланишга йўл очилади. Ва бу орқали фуқароларнинг мамлакат ичида иш топиш имкониятлари кенгайди, меҳнат муҳожирлиги камайди, ёшлар орасида ишсизлик кўрсаткичи пасаяди, аҳолининг реал даромадлари ортади.

Президентимизнинг Андижонга ташрифи вилоят тарихида янги саҳифа очмоқда. Одамларнинг қайфиятини кўтариб, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Зотан, мақсад ҳам шу — одамлар даромадини кўпайтириш, харид қобилиятини ошириш ва бандлигини таъминлаш орқали уларни ҳаётдан рози қилиш.

Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқроқ муносабатлар, таъшиқ иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси аъзоси.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП

Бугунги кунда сунъий интеллект нафақат технология, балки иқтисодиёт, таълим, ҳуқуқ, ахлоқ, хавфсизлик ва ҳаётимизнинг бошқа муҳим соҳаларига оид мурраккаб масалаларга кириб бормоқда. Интернетда тарқатилётган сунъий равишда яратилган, сохта овоз ҳамда тасвирларга асосланган контентлар шахс шаъни, обрўси ва ҳуқуқлари учун жиддий таҳдид солаётгани ҳам айна ҳақиқат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан сунъий интеллектдан ғараз мақсадларда фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Шахноза Холмаҳаматова** лойиҳада “сунъий интеллект” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи илк бор қонунчилик даражасида аниқ белгиланаётганини таъкидлади.

“Қонун лойиҳасида сунъий интеллектни инсоннинг ҳуқуқлари қарши қўлашга йўл қўймаслик ва бундай ҳаракатлар учун жавобгарлиқни белгилаш, шунингдек, ахборот ресурсларини яратишда ҳамда ахборот тизимлари ишида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг умумий қоидалари ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган ахборот ресурсларига маркировка қўйиши каби мажбуриятлар назарда тутилмоқда”, дейди депутат.

«Миллий тикланиш» ДП

Қонунчилик палатасининг шу ҳафта бошида бўлиб ўтган мажлисида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси **Бекмирза Эшмирзаев** лойиҳадаги айрим нормалар, жумладан, 35-моддасининг 1-қисми, тўртинчи хатбошида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун суд томонидан муайян муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларни профилактик ҳисобга олиш кўзда тутилётганига жиддий эътироз билдирди.

“Бизнингча, транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганининг ўзи етарли, уни яна профилактик ҳисобга олиш, профилактика инспектор томонидан назорат қилиниши фуқаронинг шахсий эркинлигига даҳл қилиб, сарсон бўлиши ва ҳаловати йўқолишига олиб келади. Шунингдек, фуқаронинг жамиятдаги мавқеи, маҳаллада юриш-туриш, қариндошлар ва oilаси ҳамда фарзандлари олида ўнғайсизланиши масалалари ҳам бор. Бу норма худди бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жаза берилишига ўхшаيدди. Бундан ташқари, нормадаги ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи омилларнинг аксарияти ижтимоий ҳавф жиҳатидан кам аҳамиятли эканлиги, шу билан бирга, Конституция ва инсон ҳуқуқлари нуктаи назаридан қаралганда ҳам бу нормани лойиҳадан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ”, дейди депутат.

«Адолат» СДП

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар одамларда эртанги кунга бўлган ишончни янада оширди. Айниқса, Янги Андижон шаҳрини Бобур шаҳри деб номлаш бўйича илгари сурилган ташаббус кенг жамоатчиликнинг дилидаги гап бўлди, десак, янглишмаймиз.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Мавлуддаҳон Аҳмаджонов** бу бўйича ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали ўз муносабатини билдирди. “Ўзининг бетакдор илмий ва ижодий мероси билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга таранум этган буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри, деб ном берилиши мутафаккир бобомизнинг ақлидан юксак эҳтиромнинг амалий намунаси бўлди. Барчамиз яхши биламики, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёнинг қайси ерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинчи билан яшади. Шу сабабли, бугун буюк аждодимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртига руҳан қайтиб келди”, деб фикр билдирди депутат.

ЎзХДП

Шу йил 9 апрель куни Президентимиз “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Иба Наризова** ушбу ҳужжатнинг аҳамияти тўғрисида ижтимоий тармоқдаги саҳифасида ўз муносабатини билдирди.

“Оила кодексига киритилган қўшимчага кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда суд oilавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахснинг талабига кўра ярашиш учун муҳлат тайинламайди. Уй-жой кодексига киритилган қўшимчага биноан эса тураржойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар кўриб чиқилаётганда суд тарафларининг келишуви-га асосан тураржой мулкдорининг ташаббусига кўра тураржойга мажбурий тартибда киритилаётган тарафни тураржой мулкдорига тегишли мутаносиб шароитларга эга бўлган бошқа тураржойга киритиш ёки ижарага олинган тураржой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг эиммасига юклатиши мумкинлиги белгиланди. Бундан ангиштиладики, ушбу Қонун oilавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини янада қучайтиришга, шунингдек, хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади”, дейди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси

Шу йил 14 апрель куни “Қишлоқ ҳўжалиги таваққалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган кунга қирадиган ушбу ҳужжат қишлоқ ҳўжалиги таваққалчиликларини суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Мохир Хўжаева** бу ҳақда ўз муносабатини билдирди.

“Қонунга кўра қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда бир ёки бир неча таваққалчиликлар, хусусан, табиий ва техноген офатлар, ёнғин, ўсимликларнинг зараркундандалар ва касалликлардан зарарланиши, қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларининг юқумли касалликлари тарқалиши ва заҳарланиши, ёввойи ҳайвонлар томонидан экинларнинг пайҳон қилиниши ёки қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларига зарар етказилиши қабилига бўйича қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси шартномаларини тузади. Бундан қўйиш мумкинки, ушбу ҳужжат қўйин об-ҳаво шароитларида деҳқон ва фермерлар кўрган зарарнинг олдини олиш, уларнинг иқтисодий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади”, дея таъкидлади депутат.

«Халқ сўзи».

«БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛГИЛКИ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ...»



Ўқтамжон ОХУНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши раиси.

Тан олиш керак, давлатимиз раҳбарининг ташрифини андижонликлар қалбда ҳаяжон ва интиқлик билан кутади. Боиси ҳар бир ташриф янги даврни бошлаб бермоқда. Бундан етти-саккиз йил аввалги ҳолатни эсланг. Ушанда ҳар бир манзилда аҳоли орасида ишсизлик ниҳоятда ортиган, буй этган йигитларнинг баъзилари даромад топиш учун хорижа йўл олган эди. Давлатимиз раҳбари ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ишсизликни бартараф этиш, одамларни даромадли қилиш бўйича кўрсатмалар берди. Бу борада, айниқса, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, томорқадан унумли фойдаланиш дастурлари илгари сурилди. Керак бўлса, моддий ёрдам кўрсатилди.

Натيجасини барчамиз кўриб турибмиз. Бугунги кунга келиб андижонликлар уйдан чиқмаган ҳолда даромад топиш сирларини ўзлаштирди. Энди улар томорқасидан ўн марта ҳосил олиб, ҳовли этагидан оқувчи ариқда ҳам балиқ, ўрдақ парваришлаб, нафақат оилавий бюджетини, балки мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда ҳам фаол қатнашмоқда. Остона хатлаб кўчага чиқмаган, қўлида на ҳунари, на касби бўлган, турмуш ўртоғининг толган бир мисол ризқига умид қилган айрим эҳтиёжманд опа-сингилларимиз эса «темир дафтар», «аёллар дафтери» каби рўйхатларни ортда қолдириб, нафақат ўзини, балки ўзгаларни ҳам иш билан таъминламоқда.

Дарвоқе, бундан вилояти етти-саккиз йил аввал Андижон айтилган ишлаб чиқариш корхоналари санокли эди. Шу боис ишсизлик кенг қулоқ ёйганди. Бугун амалга оширилаётган ишхоналар ва тадбиркорларга яратилаётган қулай шароит, имкониятлар туфайли юзлаб корхоналар ишга туширилди. Утган йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 26,4 млн. сўмни ташкил қилди. Инвестиция дастурлари доирасида 380 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 32 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Буларнинг барчаси — юртимизда, хусусан, Андижон вилоятида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эътибор самараси. Бу ютуқлар инсонга, унинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Истиқболли лойиҳаларнинг ижобий самараси

Президентимиз ҳар гал Андижон вилоятига ташрифи доирасида бажарилган ишлар, эришилган ютуқларни таҳлил қилар экан, галдаги вазифалар ҳусусида кўрсатмалар беради. Хусусан, утган йили 15-16 февраль кунлари вилоятда бўлиб, истиқболли лойиҳалар билан танишди. Қурилиш, бунёдкорлик ишларини янада кенгайтириш билан бир қаторда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, сайёҳлик йўналишларида ҳам сезиларли ўзгаришлар яшас кераклигини уқтирди. Шу билан бирга, тадбиркорларни, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ топшириқлар берди. Кўрсатмалар ижросини таъминлаш доирасида қўллаб қайтарили ишлар бажарилади.

«Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлинимаси раҳбари сифатида кўп тадбирларга тақлиф қилишди, дуомизни олишни хошлашди. Шунда вилоятдаги деярли барча соҳада эришилаётган ютуқлардан дилми ярайди. Жумладан, Булоқбоши туманидаги «Western International New Building Materials LTD» компаниясига қарашли заводни қўриб, ҳайратим ошган рост. Хитойлик ҳамкорлар иштирокида фойдаланишга топширилган ушбу корхона қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, 250 минг долларлик лойиҳа асосида барпо этилди. Хозирги кунда бу ерда минг нафар ишчи фаолият юритапти.

Хитойнинг «Tianji Hong An» компанияси томонидан 24 млн. доллар инвестиция маблағи ҳисобига Олтинқўл ва Жалақудуқ туманларида қалампис парвариши йўлга қўйилди. 600 гектар майдонда етиштирилаётган маҳсулотнинг йиллик ҳажми 24 минг тоннани ташкил этади. Бунинг учун 2 минг нафар ҳамюртимиз самарали меҳнат қилмоқда. Жорий йилда қўшимча 1400 гектар ер майдони ажратилиши туфайли иш ҳажми ҳам, ишчилар сони ҳам ортиди.

Бу каби ютуқлар давлатимиз раҳбарининг 2024 йил январь ойида Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташрифи самарасидир. Мазкур ташриф давомида 32 та 2,5 млрд. долларлик лойиҳани амалга ошириш юзасидан келишувлар имзоланган эди. Хозирда уларнинг 80 фоизиди қурилиш ишлари бошланган бўлса, 5 та лойиҳа муваффақиятли ишга туширилди. Андижон туманидаги «Biu Bay» МЧЖ шулар жумласидан бўлиб, 36,8 млн. долларлик лойиҳага асос солинди. Хозирда 200 нафар ишчи томонидан иситиш радиаторлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар бир йилда 3 млн. дона маҳсулот тайёрлаб, хорижга 24 млн. долларлик экспортни ташкил этишни режалаштирган.

Бу каби лойиҳалардан кўнглим равшан тартади. Сабаби кечанига эмасмиди, фарзандларимиз ишсизлик туфайли хориждан ризқ ахтара бошлагани. Ўзимизда иш ўринлари бўлса, ҳеч ким бегона юрда, оиласи даврасидан йироқда меҳнат қилмаган бўларди. Шўқрлар бўлсинки, Президентимиз ташаббуси билан янги иш ўринлари яратилган катта эътибор қаратилмоқда. Энди қўшни давлатларда ишлаётган ўғил-қизларимиз она юртимизга қайтиб, унданда кўпроқ даромад олишга эришмоқда.

Олти йил давомида Россия Федерациясида меҳнат қилдим, — дейди Андижон шаҳрида яшовчи Нейматилло Хайдаров. — Ўзига яраша таъбишлари кўп экан. Бироқ чидашга тўғри келди. Қўлтилмаганда, маҳалламиз идорасидан кўнғорди бўлди. Ўйимизга яқин жойда ишлаб чиқариш корхонаси очилганини, бу ерда ҳар бир ишчига ўртача 4-5 млн. сўмдан ҳақ тўлашаётганини маълум қилишди. Ҳеч иккиланмай ортга қайтдим. Ҳозирда қўшма корхонада ишлаяпман. Ойлик маошим 6 миллион сўмга етди. Бу менинг ҳаётимдаги энг осуда дамлар, десам, хато бўлмайди.

Ҳар кун ишга келар эканман, йўл ёқаларидаги «Ишга марҳамат» деган ёзувларни кўриб, кўнглим анча таскин топади. Қаранг, бир пайтлар ишсизликдан азият чеккан бўлсак, энди ўзимизга муносиб иш таллаш имконимиз бор. Бу ҳам бўлса давлатимизда олиб борилаётган оқилонга ислохотлар туфайлидир.

Инсон қадри азиз ва муқаррам

Ҳаётимда муваффақиятли дамлар кўп бўлди. Уларнинг айримлари учун йиллар давомида игна билан қудуқ қазиган мисол меҳнат қилдик. Улар нечоғли оғир кечса-да, натижаси шунчалик тотили бўлди. Аммо сўнгги йиллардаги ислохотлар самараси сарҳисоби кишини шошириб қўяди. Қувонарли жиҳати шундаки, бугунги кунга келиб ҳар бир сайёҳаракатимиз инсон манфаатлари учун, ҳамюртларимизнинг бугунги кунидан миннатдор бўлиб яшашлари учун хизмат қилмоқда. Бу борада давлат дастурлари жорий этилапти, қонун ва қарорлар имзоланаётди. Натижада ҳатто энг олис ҳудудлардаги маҳаллаларга ҳам тараққиёт кириб бормоқда.

Оддий мисол, Кампировот маҳалласи нафақат Андижон вилоятининг, балки мамлакатимизнинг ҳам чекка манзили ҳисобланади. Шундоққина Қирғиз Республикаси билан чегарадош маҳаллада ҳаёт қайнайди. Қўчалар равон, тунинг кундуздан фарқи йўқ. Ижтимоий объектларда халқ манфаати учун барча шароит яратилган. Қай бир хонадонга разм солманг, қўшимча даромад топиш сайёҳаракатида. Яқинда маҳаллада бўлганимда тадбирли одамлар ҳовлисидаги ариқдан оқувчи сувда ҳам балиқ парварилашни йўлга қўйишганини кўриб, таҳсинлар айтдим. Қаранг, шунга орқали бир йилда 10 — 15 млн. сўм даромад топишяпти экан. Ваҳоланки, шу пайтгача бу ариқдаги сув шунчаки оқиб турган эди.

Томорқаларга қараб эса кўзингиз ярайди. Уй ҳайвонлари паррандалар аҳолининг доимий эътиборида. Чўчки уларни парваришлаш учун табиий шароит мавжуд. Хуллас, маҳалладошлар уйдан чиқмаган ҳолда бир йилда ўртача 25 — 30 млн. сўмгача даромад топишяпти экан. Буларни ўз кўзим билан кўрган, нима учун маҳаллада ишчилар ва камбағаллар йўқ эканини тушуниб етдим. Ваҳоланки, бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмас. Аҳоли, ички имкониятларни яхши солаган ҳолда янги иш ўринларини ўзлари яратяпти. Бу ҳам бўлса, ислохотларнинг жойлардаги ижобий натижаси, албатта. Энди айтинг, юртимизда тинчлик-хотирхамлик бўлмаса, бу каби ютуқлар қайда эди?!

«Эркак кишининг ризқи кўчада», дейдилар. Шу боис тонгда ишга кетамиз, оиламизнинг фаровон турмушини таъминлаш учун меҳнат қиламиз. Замоннинг ўзгаришини қарангки, эндиликда бунинг учун уйдан чиқиш ҳам шарт бўлмай қолди. Ҳатто бир сотиҳ майдондан бир йилга татигулик даромад олаб бўлар экан. Бир бош сигирни боғлаш учун битта устун қифоя эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буларни англаш, ўз кўзимиз билан кўриш, амалда сынаб, оиламизни тўқис қилишимиз учун янги ташаббуслар керак эди, ҳолос.

Иш столимдаги қоғозларни бирма-



бир варақлар эканман, ҳисоботлар диққатимни жалб этди: сўнгги йилларда Андижон вилоятининг ўзида Ўйчи тажрибасини оммалаштириш ж а р а ё н и д а 70 минг 600 та янги иш ўрни яратилибди. Бу кўрсаткич йил якунига қадар яна 8 мингтага ортиб қолди. Ҳар бир ишчининг ортида камиди уч-тўрт нафар оила аъзолари мавжуд эканини ҳисобга олсак, биргина ушбу лойиҳанинг ўзидан 200 минг нафардан кўп ҳамюртларимиз манфаатдор бўлибди...

Балиқ берма, қармоқ бер

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф буюрмасин, ўша ҳудуднинг илгор иш ўслубларини оммалаштириш юзасидан кўрсатмалар беради. Жумладан, Сайхунобод туманида ишсизликка барҳам бериш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларни жойларда қўллаш орқали аҳоли даромадини ошириш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари андижонликларнинг ҳам ғайратини жўштириб юборди. Натижада вилоятдаги мавжуд 909 та маҳаллада Сайхунобод тажрибаси асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга киришилди. Ҳар бир маҳалладан 7 тадан хонадон таллаб олинди, уларнинг ойлик даромадларини 50 — 60 млн. сўмга етказиш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун 29 524 та микролойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Натижада яна 61 минг нафардан зиёд ҳамюртларимиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Масалан, Олтинқўл туманидаги «Ижтимоат» МФИДА яшовчи Гулчеҳрадон Мирзақаримовани олайлик. Аёлининг имкониятлари ўрганилгани ҳолда, ҳовлисида 1 сотихли иссиқхона барпо этиш, 40 бош парранда боқиш ва 1 та чок машинасини сотиб олиши учун кўмак берилди. Шунингдек, қўзиқорин етиштириши учун шароит яратилди.

“Бугунги Андижон кечаги Андижон эмас. Атрофга нигоҳ ташлайман: шахар ўзгарган, ҳудудлар чирой очган, ҳатто дарахтлар гулзорлар бошқача. Бугунидан миннатдор, эртанги кундан умидвор халқи ҳам бошқа. Янги давр, янги замоннинг руҳи нафақат теварак-атрофни, балки инсонлар руҳиятини ҳам ўзгартириб юборди!”

Сарҳисоб ҳам чакки эмас. Йил якунида аёлининг даромади 55 млн. сўмни ташкил этиди. Энди тасаввур қилинг, бир йил олдин шу аёлининг моддий таъминоти қандай эдию хозир қанақа? Бу ҳам бўлса, узокни кўра билгучи Юрбощимиз ташаббусларининг ҳудудлардаги ижобий натижаси, деб биламан.

“Мўхтож одамга балиқ берма, қармоқ бер. Шунда у ўзини ҳам, ўзгаларини ҳам боқад”, деган қадимий нақл бор. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида ҳам шунга монанд ишлар йўлга қўйилгани эътиборга молик. Бир пайтлар эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиб, моддий-маънавий кўмак бериларди-ю, ой ўтмай уларнинг аҳоли яна оғирлашаверар эди. «Қўлдан берганга қуш тўймак», деб шунга айтадилар-да. Энди бўлса, ишсизлар иш билан таъминланяпти, иши борларга қўшимча даромад топиш сирлари ўргатиляпти. Керак бўлса, мавзуга доир билим бериб, даромад топишга йўналтирилмоқда.

Таҳлилларга эътибор беринг: 2022 йил бошида вилоятда камбағаллик даражаси 21,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йил якунида бу кўрсаткич 8,9 фоизга тушди. Утган йилнинг бошида «Ижтимоий химоя яғона реестри»да турувчилар сони 195,2 минг нафар эди. Айни пайтга келиб улар 99,4 минг нафарга қамайган.

— Турмуш ўртоғим бетебонлиқ қолгач, рўзғор таъвишлари зиммамда қолди, — дейди Қорасув шаҳрида яшовчи Зухраҳон Олимова. — Вояга етмаган уч нафар фарзандимдан ортиб, ишга киришмадим. Ота-онам, ака-укаларим



ёрдам бериб туришди, бироқ бу вазиятни юмшатмади. Рўҳий тушқунлиқда юрган кунларнинг бирида туман ҳокимлиги вакиллари хонадонимизда бўлди. Шароитим билан танишиб, аввалига тиқув машинаси олиб келишди. Касаначилик асосида маҳсулот ишлаб чиқара бошладим. Буюртмачи тайёр ишларни ўйимиздан олиб кетадиган бўлди. Шу тариқа турмуш ўртоғим ва болаларимга қараб, ҳам даромад топишга киришдим. Энг муҳими, рўзғоримизни ўзгалар ёрдамисиз эғпай бошладим. Мен шунисигаям шўқр қилиб яшаётгандим. Қўлтилмаганда, «Андижон сув таъминоти» АЖ ходимлари келиб, ишга тақлиф қилишди. Ҳар куни эрталаб бир соат идорани тартибга келтираман. Яхшиям, тиқув машинаси тақдим этишган экан, маҳалламиздаги қиз-жувонларнинг буюртмасига асосан қўйлақлар тикишни ҳам бошладим. Менга кўрсатилган бу эътибордан кейин ўзимни нафақат оилам учун, балки жамият учун ҳам керакли хис эга бошладим. Ўзимдан ортиб, ўзгаларга ҳам ёрдам бера олаётганимдан хурсандман!

Ха, кечагина кимдандир умидвор бўлиб турган аёлларнинг бугунги кунга келиб бошқаларга мададкор бўлаётгани ибратли, албатта! Зухраҳон каби аёлларни қузатар эканман, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташаббуси узокни ўйлаб қилинган дадил ҳаракат эканига яна бир бор амин бўламан.

Қўшничилик — минг йилчилик

Бир вақтлар таниқли олимлар, экс-пертлар Фарғона водийси геосийсий кескинлиги ўчоғига айланганини башорат қилган, ҳар дам портлашга шай ҳолатдаги «порох бочкаси»га ўхшатган эди. Бу бежиз бўлмай, аҳоли қатлами зич ҳудудда турли миллат вакиллари истиқомат қила, устига-устак Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар таранг, чегаралар ноаниқ эди. Ана шундай мураккаб шароитда Президент Шавкат Мирзиёев сиёсий иродаси, узокни кўзлаган ва чуқур ўйланган ислохотлари билан минтақадаги муҳитни бўғунлай ўзгартирди. Бугун уч давлат раҳбарларининг сайёҳаракатлари туфайли Фарғона водийси янги имкониятлар ва бунёдкорлик маконига, яхши қўшничилик ва дўстлик тинимсоғига айланди.

Буни Андижон вилоятида ҳам кўриш мумкин. Ҳудуд Қирғизистон билан чегарадош бўлиб, маълум вақт борди-келди муносабатларида чекловлар юзага келганди. Ҳар иккала давлат раҳбарларининг учрашувларидан сўнг ана шу чекловлар олиб ташланди. Натижада вилоятнинг ўзида 4 та чегара ўтказиш пункти қайта иш бошлади. Биргина Хонобод шаҳридаги чегара постининг ўзида бир суткада 3 минг нафар фуқаро қатнови ташкил этилиб, 150 — 200 та автоташнама ҳаракати йўлга қўйилди.

— Икки халқнинг тарихи, маданияти, турмуши бир, — дейди Ўш шаҳрида яшовчи тарихчи олим Абдурайим Маматов. — Жумладан, Қирғиз Республикасининг Ўш, Жалолобод, Ўзган шаҳарларини ўзбекларсиз, Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларини қирғизларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бизнинг ота-боболаримиз қуда-андачилик қилишган. Борди-келди муносабатлари фақат эзгуликка хизмат қилган. Шу боис чегара постларининг қайта ишга туширилишидан ҳаммамиз манфаатдоримиз.

Қўшничилик алоқаларининг шаклланиши натижасида, аввало, ўзаро борди-келди муносабатлари қайта тикланди. Бундан барча андижонликлар катори ўзим ҳам хурсандман. Ахир кечагина эмасмиди ўшда яшовчи яқинларимизнинг таъзиясига бора олмай, хижолат бўлганимиз. Фарзанд отасининг ҳақнозасида қатнаша олмагани, ота ўз қизининг ҳолидан хабар ололмагани кечадикек ёдимда. Тўйларда бир сафда туришни-ку орзулашдан бошқа имконимиз қолмаган эди. Президентимиз, ав-



вало, қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга эътиборни қаратган, ҳаммаси тўйдан ўзгариб кетди. Энди қўшнилар билан аввалгидек қонғардош бўлиб яшамоқдамиз. Халқаро, дўстона муносабатларимиз қайта илдири ола бошладим.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг қайта тикланиши сайёҳлик салоҳиятининг ортисига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис 2024 йилда мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳларнинг катта қисмини қирғизистонлик замондошларимиз ташкил этди. Уларнинг мамлакатимиз ҳаёти билан танишиши ва марокли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратилган. Хусусан, 14 та маҳалла «Туризм қишлоғи» макомини олди. Утган йилнинг ўзида 44 та янги сайёҳлик ташкилоти очилди.

— Ҳўжабод туманидаги «Имом ота» зиёратгоҳини Қирғиз Республикасида ҳам яхши билишди, — дейди Жалообод вилоятининг Сузук туманидан ташриф буюрган Сайқал Жаббарганова. — Бу ерда сайёҳлар учун яратилган шароитлар қониқарли. Айниқса, яқинда ўрнатилган осма кўприк кўпчилигини сафарга қорлади. Шу баҳона ҳудуд ҳақидаги тарихий маълумотларга ҳам эга бўлмоқдамиз.

Электр энергияси ўзимизда ишлаб чиқарилади

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижонга аввалги ташрифи чоғида сўнгги беш йилда аҳоли хонадонлари, ишлаб чиқариш корхоналари сони ортиб бораётгани натижасида Фарғона водийси вилоятларида электр энергиясига талаб 40 фоизга кўпайганини таъкидлаганди. Ўзага келган муаммони бартараф этиш учун қайта тикланувчи энергия манбаларини қўлайитириш, қуёш, шамолдан электр энергияси олишга қаратилган лойиҳаларни ҳамда гидроэлектр станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берган эди.

Бундан, аввало, аҳоли мамнун бўлди. Негаки, унда уларнинг ўзг ўйиллик манфаатлари химояси мўжассам эди. Сир эмас, куз-қиш мавсуми яқинлашгани сари андижонликларни электр таъминотидаги узилишлар саросимига сола бошларди. Бу муаммо, охири-оқибат, тадбиркорларни ҳам таъвишлангирадиган бўлди. Боиси ишлаб чиқариш жараёнидаги узилишлар туфайли маҳсулот ҳажми қисқаради, ишчиларнинг ойлик маоши қамаяди.

Нихоят, Президентимизнинг аниқ кўрсатмаларига асосан муаммонинг ижобий ечимини таъминлашга дадил киришилди. Топшириқлар ижроси доирасида 2024 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида лойиҳа қиймати 28 млн. долларга тенг 9,55 МВтли 8 та микрогидроэлектростанция ишга туширилди. Натижада 13 мингта хонадон узлуксиз электр энергияси билан таъминлана бошланди. Хусусан, 2025-2026 йилларда вилоятда «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан умумий қиймати 500 млн. АКШ долларига тенг лойиҳалар доирасида жами қуввати 200 МВт бўлган 763 та кичик ва микрогидроэлектростанция қуриш, фойдаланишга топшириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишлар олиб боришмоқда.

Жорий йил давомида Жалақудуқ, Балиқчи, Булоқбоши, Олтинқўл, Ҳўжабод, Қўрғонтепа, Марҳамат, Избоскан, Пахтаобод туманлари ҳамда Хонобод шаҳрида қиймати 70 млн. долларга тенг лойиҳалар доирасида қуввати 31,3 МВтли 14 та кичик ГЭС, қиймати 50 млн. долларга тенг лойиҳалар доирасида қуввати 23,7 МВтли 458 та микроГЭС ишга туширилиши режалаштирилган.

Натижада қўшимча 56 мингта хона-



дон узлуксиз экологик тоза электр энергияси билан таъминланади. Ва бу билан 70 млн. метр куб табиий газ ёки 150 минг тонна кўмир ёқилгиси тежаб қолинади.

Хонадонлардаги электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида қуёш панелларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг афзаллик жиҳати шундаки, истеъмолчи авваллари давлатдан электр энергиясини сотиб олган бўлса, энди ўз эҳтиёжидан ортганини давлатга сотмоқда. Бир пайтлар бундай шароит ҳақидаги фикрлар эртатек туолган бўлса, энди шундоққина кўз ўнгимизда ҳаётга татбиқ этиляпти.

Машинасозлик саноати юқори босқичга кўтарилмоқда

Андижон вилоятини машинасозлик саноатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, Асак туманидаги «UzAuto Motors» АЖ фаолияти орқали мамлакатимиз дунёдаги санокли автомобил ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан жой олган. Ушбу корхона маҳсулотлари дунёнинг бир қанча ҳудудларида ўз харидорларига эга. Ишлаб чиқариш объекти ва унга эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи тадбиркорлик субъектларида ўн мингдан зиёд ҳамюртларимиз самарали меҳнат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги сайёҳаракатларни юқори босқичга олиб чиқиш бўйича ҳам хайрли ишларга қўл урилган. Натижада енгил автомобиллар учун 12 турдаги герметик бўёқлар, гидроэлектростанциялар учун 7 турдаги филтларлар, мой ва ҳаво филтларлари, қуёш панеллари, базальт, префабрик уйлар учун ҳомашёлар, «KIA» автомобиллари учун электр қисмлари каби янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Мисол учун, Асак туманидаги «ADM ELECTRICS» МЧЖ томонидан «KIA» автотранспортлари учун (кабель маҳсулотлари, мультимедиа) бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 25 млрд. сўмлик маҳсулотлар тайёрлаш режалаштирилган бўлса, амалда бу кўрсаткич 60 млрд. сўмга етди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, вилоятда юк, йўловчи ташувчи ҳамда қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган транспорт воситалари ҳамда қиқарилиши учун янги лойиҳалар тайёрланган. Қувонарлиси шундаки, бу каби хайрли ўзгаришлар барча соҳада амалга оширилмоқда.

Эзгуликнинг умри боқий

Ҳар тонг қўёшга юз тутар эканмиз, янги тонг, янги кун, янги ҳаёт учун шўқронлар айтими. Аслида, ҳар бир куннинг тинчлик-хотирхамликка кўтиб олмақликнинг ўзи катта бахт! Зеро, дунёнинг қайсидаир бурчадаги кимдир тонгини ўйқусиз қарши олди, бошқа биров танасидаги дард билан олишмоқда, яна бири тунги портлашдан қўрқиб, мижага қокмади... Биз эса қунимизни янги орзулар ва режалар билан кўтиб оламиз.

Аслида бу бахтга эришиш ҳам осон бўлганини йўқ. Йиллар давомида ҳаётнинг турли синовларига дуч келдик. Бироқ салбий ҳолатларни эслашдан фойда йўқ, чўчки эришилажак мақсадлар билан яшаб манфаатлироқдир.

Шу боис ютуқлар бардавмонлигини тилаган ҳолда яхши амаллардан озиклангим келади. Яхши режалар, муваффақиятлар, ютуқлар ҳақида гап кетганида эса, сўнгги беш-олти йилда эришилган ижобий натижалар кўз олдидан ўтаверади...

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи ҳам Андижон вилояти ва андижонликлар учун янги даврни бошлаб берди. Бобур шаҳридан бошланган эзгу мўждлар, ўзгариш ва янгиланишлар бугун ҳар бир туман, маҳалла, кўча ва хонадонларда буй кўрсатмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, **Андижон заминиди Янги Ўзбекистон госяси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларга ундамоқда. Бу — ислохотларимизнинг биз кутган, бутун халқимиз кутган энг катта, энг муҳим натижаси, десак, тўғри бўлади.**

Зотан, яхши мақсадлар, амаллар ва ҳаракатлар янги натижаларга, муваффақиятларга бошлайди. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, ҳаётбахш ташаббуслар — яхшилик номи билан бутун мамлакатга зиё сочаверади. Эзгуликнинг эса умри боқийдир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таъбири билан айтганда:

Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик!

ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР, ИНСОНПАРВАР ҒОЯЛАР

Шу кунларда янги Ўзбекистон тарихи саҳифаларига энг ёрқин воқеаликлар муҳрланмоқдаки, бу нафақат халқимиз, балки бутун минтақа эртаси учун муҳим солномага айланиши, шубҳасиз. Хусусан, Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеясига мезбонлик қилган бу юрт яна бир карра дунё цивилизацияси бешиги бўлганлигини жаҳонга намойён этди. Мазкур тарихий анжуман келажак учун ҳам парламентлараро ҳамкорлиқнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Муносабат

Таъкидлаш жоизки, бу галги ассамблея юқори савияда ўтказилиб, дунёнинг турли бурчларидан келган парламент аъзоларини муҳим мулоқот майдонида жамлади. Президентимизнинг ассамблеяда сўзлаган нутқи эса бу жараёнга алоҳида мазмун-моҳият бағишлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг Парламентлараро Иттифоқ билан қўп йиллик самарали ҳамкорлигини алоҳида таъкидлади. Эътиборлиси, мамлакатимизнинг демократик ислохотлар йўлидаги қатъий қадамлари, жумладан, парламент ролини кучайтириш, қонун ҳужжатларини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ассамблея ишти-

рокчилари томонидан юқори баҳо-ланди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясида белгиланган асосий мақсадлар ва устувор йўналишлар йиғилганларда катта қизиқ-қиш уйғотди.

Тарихий нутқда бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти дуч келаётган мураккаб вазият, глобал хавф-хатарлар ва уларни бартараф этишда парламентларнинг ўрни масаласи баён қилинди.

Доймо ҳаётий ташаббус ва тақлифлари билан дунё эътиборини қаратган Ўзбекистон Президенти парламентларга нафақат қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи, балки халқнинг фикрини ифода этувчи, жамиятдаги муаммоларни аниқловчи ва уларни ҳал қилиш йўлларини изловчи муҳим институтлар сифатида қарашга қақирди.



Парламент аъзолари халқ билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларига қонунчилик ташаббуслари орқали ечим топишга интилиши зарурлиги айтилди.

Парламентлараро Иттифокнинг келгусидаги фаолиятига оид бир қатор муҳим тақлифлар ҳам илгари сурилди. Хусусан, глобал муаммоларни ҳал этишда парламентларнинг ролини янада кучайтириш, ёшларни парламент фаолиятига кенгрок жалб қилиш, гендер тенглики қўллаб-қувватлаш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларнинг фаол иштирокини таъминловчи зарур ечимларни кўрсатди.

Ўз навбатида, бу тақлиф ва ташаббуслар анжуман қатнашчилари

томонидан зўр гуруҳ ва ифтихор билан қабул қилинди. Хусусан, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан ўзаро манфаатли, чуқур ва истиқболли шериклик қуришга тайёрлигини таъкидлаб, "Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг беш давлати ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганига 30 йил тўлди. Бошқача айтганда, бизни боғлаб турувчи мустақам ришталар аҳамиятини тўлиқ англаш пайти келди", дея ишонч билдирди.

Озарбайжон Миллий Мажлиси аъзоси Ризван Набиевнинг "Тошкент ассамблеяси овозини бутун дунё эшитмоқда", деган сўзлари Ўзбекистоннинг бундай нуфузли тадбирга мезбонлик қилиши нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Беларусь Миллий мажлиси Ва-

Бундай адолатли фикрларга асосланиб хулоса қилиш жоизки, геосиёсий фонда қўп қутбли, иқтисодий дипломатияга таянган ташки сийсат энг тўғри йўл эканлигини дунё ҳамжамияти тасдиқламоқда. Аҳамиятлиси, мамлакатимиз раҳбарининг минтақа интеграциясини амалга оширишдаги масъулиятли хизмати дунё ҳамжамияти нигоҳида ўзининг асл баҳосини олди.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори.

МУДОФАА ЯНГИЛИКЛАРИ

«Дўстлик — 2025» ҳарбий ўқув машғулоти башланди



Пуна шаҳридаги "Aundh" халқаро машғулотлар базасида "Дўстлик — 2025" Ҳиндистон — Ўзбекистон қўшма ҳарбий машғулоти башланди.

Унинг очилиш маросимида икки мамлакат Мудофаа вазирлиги вакиллари қатнашиб, ҳамкорликдаги ўқув машғулоти ўзаро ҳарбий алоқаларни мустақамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг билим, кўникма ва тажрибаларини оширишга хизмат қилаётганини эътироф этди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментидан хабар беришларича, 2019 йилдан бери мунтазам ташкил этиб келинаётган мазкур ўқув машқули икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлиқни мустақамлаш мақсадида қаратилган бўлиб, ҳар йили Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистонда навбатма-навбат ўтказилмоқда. Қўшма машғулотлар 28 апрелга қадар давом этади.

Ёшлар учун тарих сабоқлари



Ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини уйғотиш, тарихий хотириани мустақамлаш, аждодларимиздан фахрлиниш туйғусини шакллантириш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Айнан шундай эзгу мақсадни қўзлаб "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ҳамда "Шон-шараф" давлат музейига ташкил этилган экскурсия болажонлар учун унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Дастлаб ёшларга Мудофаа вазирлиги ва тегишли идоралар вакиллари иштирокида мажмуанинг ўтмишдаги ҳаёт сахналари, оқоллар, блиндажлар ва дала ошхоналари композициялари, темир йўл вокзали, эски кутубхоналар, тиббиёт пунктлари акс эттирилган худудлар билан таништирилди.

"Шон-шараф" давлат музейида урушнинг машаққатли кунлари манекенлар, ясама техникалар ва реал экспонатлар орқали намойиш этилди.

Чекка худудларда тиббий кўрик



Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳамда Термиз ҳарбий госпиталининг малакали шифокорлари ҳамкорлигида Сурхондарё вилоятининг олис худудларида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилмоқда.

Бу галги тиббий тадбирлар Сариосиё, Денов, Жарқўрғон ва Шеробод туманларида жойлашган ҳарбий қисмлар ҳамда муассасаларда хизмат қилаётган Ватан посбонларининг оила аъзолари учун ўтказилди.

Чуқурлаштирилган тиббий кўрикка малакали невропатолог, терапевт, онколог, травматолог ҳамда гинекологлар жалб қилиниб, болалардаги сурункали хасталик ҳамда аёлларда хавфли ўсма касаллигини аниқлаш мумкин бўлган кольпоскопия каби текширувлар ўтказилди.

Кўрик давомида саломатлик борасидаги саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

«Халқ сўзи».

Барака

Саидахмад ота Хикматов Ўрта Чирчиқ туманидаги Кучлук маҳалласида истикомат қилади. Табарруқ 80 ёшда ҳам бардам, қўзғайди нур юлдуддек чакнаб туради. Қарий олти мучал ёши мобайнида қўп савдоларни бошдан кечирган. Нақ ўн иккита касб-да меҳнат қилган.

Тўрт сўмни қирқ миллионга айлантирган отахон

Дастлаб ўқитувчилар тайёрлаш курсини битириб, Кучлукдаги 17-мактабда фаолиятини бошлаган қаҳрамонимиз кейинчалик ҳайдовчилик, чилангарлик, автомобиль таъмирловчиси, қўйунчи, бир йилгитга неки хунавр бўлса, барчасида ҳалол тер тўккан. Бу орада 1992 йилда икки йил араб алифбосига асосланган

улгуржи нархга сотиб келадди. Бу йил 40 миллион сўмнинг нари-берисиди даромадни қўзлаб турибмиз. "Ховлинг гулга, қўлинг пулга тўлиб турса ёмонми?" дейман ўғлимга...

Саидахмад отанинг уйига Кучлук маҳалласи раиси Карим Саъдуллаев билан боргандик. Карим ака ҳам



ўзбек тили бўйича таълим олиб, бир мuddат 28-мактабда ёшларга эски ўзбек ёзувидан ҳам дарс берган. Етти ўғилни тарбиялаб, эл-юрта қўшган отахон айна пайтда фарзандлари билан биргаликда гулчилик, гулчилик бўлгандам биздаги ноёб гуллардан саналган пиён гулини етиштириш билан шуғулланиб келмоқда.

— 1974 йили Олмаликдаги бозордан 4 сўмга икки тул пиёнгули илдизини сотиб олгандим, — дейди Саидахмад ота. — Бирини малинаранг, иккинчисини пушти очилди. Мана, қўриб турган гулларингиз ўша 4 сўмга олинган пиёнгулининг томиридан тарқалган. Пиёнгулининг гули яхши, сал ҳаракат қилсангиз, пули ҳам яхши. Дастлаб очик ерда етиштирдик. Бир йили энди гуркураган пайтида қор остида қолиб, пояси чириб кетди. Шундан сўнг иссиқхона қурдим. Ўзимда 3,5 сотих, 7 сотихини ўғлимга берган бўлсам, Ҳасанбой ўғлимда ҳам 4 сотихлик иссиқхона бор. Қишда иситилмайдди, шунчаки устига қор, ортиқча ёмғир тушмаса бас, пиёнгул беозор, ўзи ривожланаверади. Яқин икки-уч ҳафтада гулларимиз тайёр бўлади. Бир чеккадан Тошкентга — улгуржи бозорга жўнатилди. Ҳозир пиёнгулининг баҳоси қанча билмайман. Ғунчалаб турганида кесиб, дасталаб ўғилларимга бераман. Уларнинг ўзи

отахоннинг собиқ ўқувчиларидан. Ўзи устозини йўқлаб бормаса, отахон ҳам, унинг оиласидан бирутаси ҳам маҳалла идорасининг ашигини тақиллатиб бормайди. Ёрдам, кредит масаласида безовта қилмайди. Бунинг сабаби оддий.

— Одамзод меҳнат билан тирик, меҳнат билан азиз! — дейди Саидахмад ота. — Токи танангда қувват бор экан, меҳнат қилсанг бараканинг ўзи уйга ёғилаверади. Бутун умрим томорқада ўтди. Халигача шундай, гулга қизикдимми, шундан даромад топпамми, астойдил бўлсин деб чет эллардан ҳам пиёнгулининг кўчатларини олиб келяпман. Ҳозир бу гулнинг бир неча ранглари бор. Вақти келса меҳнатим, маслаҳатларим билан болаларимга далдаман. Ҳамма шароитимиз бор, меҳнат қилсак, бундан ҳам яхши бўлаверади.

Бундан 51 йил олдин оддий хавас билан тўрт сўмга олган гулларидан бутун қирқ миллионлаб даромад топаётган Саидахмад ота унинг ёнида турган, маслаҳатларини олиб асло ҳам бўлмаётган етти ўғил, туғилганидан назари гулларга тушиб, меҳнатнинг роҳатини ўз кўзлари билан қўриб ўлғаяётган наварою эвараларини "аслида, энг катта бойлигим шулар" дейди.

Отабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

УММОНДАН ЙИРОҚМИЗ, ИМКОНДАН ЭМАС

Балиқ чавоқлари ишлаб чиқариш ҳамда табиий сув хавзалари ва сунъий қўллардан фойдаланиш юртимизда узок йиллар энг заиф бўғин сифатида қолиб кетганди — айнакча, балиқчилик соҳаси. Натижада сунъий қўлларнинг ҳосилдорлиги бир гектарда 20 центнердан ошмасди. Бу — жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан ҳам паст.

Иزلаниш

Навоий вилоятида интенсив усулда балиқчиликка ихтисослаштирилган ҳўжаликларда бугун гектаридан 30 — 35 тоннагача балиқ олиномоқда. Унга қадар бу хавзаларда ҳосилдорлик 2 тоннадан ҳам ошмаган.

— Балиқчилик билан шуғулланиш мумкин бўлган 800 минг гектарлик қўл ва сув омборлари сатҳининг 175 609 гектари вилоятимиз ҳудудига тўғри келади, — дейди "Навоийбалиқсаноат" МЧЖ раҳбари Панжи Рўзиқулов. — Зарафшон дарёси Хатирчи, Кармана, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларидан ўтган, унг ва сўл соҳилларида балиқчиликни сунъий хавзаларда қарас усулида ривожлантиришнинг қулай имкониятлари мавжуд. Бироқ мавжуд сув сатҳининг 1/8 қисмидагина балиқчилик билан шуғулланувчи 252 та фермер ҳўжалиги фаолият юритади. Шундан 480 гектари тўлигича интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослаштирилган.

Вилоят ҳудудидаги йирик сув хавзаларида бири — Тўдақўл қарийб 21 минг гектар майдонни эгаллаб, асосан, сўғориш мақсадларини назарда тутади. Шунга қарамастан, узок йиллар ундан балиқчилик хавзаси сифатида ҳам фойдаланилиб, қўлда балиқ қўлайтириш, тақсимлаш ва овлаш ҳамда турли касалликлардан ҳимоя қилиш вазифалари бир қанча идоралар зиммасига юкланганди. Бу бошбошдоқлик ва табиий неъматлардан ҳўжасизларча фойдаланишга йўл очиб, унинг оқибатлари йиллар ўтиб ўзини кўрсатди. Бунинг рақамда ифодаласак, янги минг йиллик арафасида хавза ҳосилдорлиги гектарига 4,5 килограммга тушиб кетди.

Бугун Тўдақўл сув хавзасида фаолият юритаётган биргина "Голден лайф фиш" МЧЖ томонидан 2019 йилда Венгрия давлатидан "венгер карпи" зотли 390 дона балиқ олиб келиниб, ишлаб чиқариш илмий асосида йўлга қўйилди. Венгрия генетика институти олимлари билан яқин ҳамкорлик балиқ турини қўлайтириш, зотини яхшилаш, иқлим ўзгаришига чидамли, жаҳон бозорига харидоригар балиқ маҳсулотлари тайёрлаш имконини яратди. Натижада 20 млн. дона балиқ чавоғи, жумладан, иқлимлаштирилган 6 минг дона "венгер карпи" балиғи етиштирилди. Эронлик инвесторлар билан ҳамкорликда балиқларнинг кафас усулида боқишга мўлжалланган, хитойлик ишбилармонлар тахрибаси бўйича 10 минг донадан балиқ етиштирилаётган ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Ушбу чоралар самараси ўларок, балиқ етиштириш ҳажми ўтган

йили 5,5 минг тоннадан ошди. Энг муҳими, тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига сифати парҳезбоп маҳсулот етказиб бериш билан бирга, интенсив усулда балиқ етиштириш тахрибаси оммалашиб, айнан, Тўдақўлда етиштирилаётган балиқ чавоқларини харид қилиш учун республиканинг турли ҳудудларидан келаётган ишбилармонлар сони қўпайди. Хориж технологиялари асосида интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйётган ҳўжа балиқчилик томонидан Навбаҳорда 150, Қизилтепада 120, Карманада 100, Хатирчида 60 ва Қонимехда 50 гектар сунъий сув хавзалари интенсивлаштирилди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 15 та маҳаллада 220 та аҳоли хонадони вакиллари жалб қилган ҳолда балиқчилик ташкил этилди, — дейди "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси раиси ўринбосари Максуд Остонов. — Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор, Хатирчи, Қонимех туманларидаги аҳоли хонадонларида умумий қиймати 63 млрд. сўм бўлган қўшмича 12 та ҳудудий лойиҳа ишга туширилиши натижасида 97 та иш ўрни яратилди. Энг муҳими, ўтган йили вилоятдаги ҳўжаликлар томонидан 14,7 минг тонна балиқ етиштирилиши ва овланishiга эришилди. Жорий йил якунига қадар 900 гектар мавжуд сунъий сув хавзаларида аэратор мосламаларини ўрнатиш ва балиқларни баланслаштирилган омикта ем маҳсулотлари билан озиклантириш ҳисобига балиқ етиштириш ҳажми 4-5 баробарга оширилди. 1 гектар хавзага утадан, жами сув хавзаларига 2700 та аэратор мосламасини ўрнатиш ишлари тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда амалга оширилди. Натижада 900 гектар сув хавзаларида 22,5 минг тоннагача балиқ етиштирилди, қўшмича 470 та иш ўрни очилди. Шунингдек, умумий қиймати 130,5 млрд. сўм бўлган қўшмича 13 та ҳудудий лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, ҳудудлар имкониятидан келиб чиқиб, 900 та аҳоли хонадонини жалб қилган ҳолда интенсив усулда балиқ етиштиришни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Мазкур дастурлар доирасида яқинда Навбаҳор туманида жойлашган "YASHIL OROL BY grand" маъсулияти чекланган жамияти томонидан супер интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаси тўлиқ ишга туширилди. Ушбу балиқчилик ҳўжаллиги томонидан 16 гектар майдондан иборат қўлларда, асосан, "сазан" ва "оқ

Албатта, мазкур тадбирлар хавзанинг фауна ва флорасини сақлаб қолиш билан бирга, ўз навбатида, аҳоли дастурхонига сифатли, ҳамёнбоб балиқ маҳсулотлари етказиб бериш, балиқ истеъмоли қўламини кенгайтириш ҳамда талабдан ошигини экспортга йўналтириш имконини беради.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Болалар қиллий тиббиёт марказида шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 1130 та жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини олиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **копибизм** 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6